



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БУЙРУҚ

Тошкент шаҳри

20 13 йил " 1 " апрел № 104

**Олий таълим муассасаларида
инглиз тили ўқитувчиларининг
малака ошириш курсларини
ташkil этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875 қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий таълим муассасаларидаги инглиз тили фани ўқитувчилари учун ўтказилиши режалаштирилган малака ошириш курслари жадвали ва ўтказилиш жойлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Малака ошириш курслари ўтказиладиган олий таълим муассасалари (ЎЗМУ, ТДПУ, ТДИУ, ЎзДЖТУ, ҚҚДУ, АнДУ, ФарДУ, НамДУ, УргДУ, ТерДУ, ҚарДУ, ГулДУ, БухДУ, СамДЧТИ, НавПедИ, ЖизПедИ) ректорларига:

2.1. Малака ошириш курсларини алоҳида жиҳозланган хоналарда ташkil этиш ва уни лозим бўлган техник воситалар билан таъминлаш;

2.2. Тингловчилар учун етарли шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни тарқатма материаллар билан таъминлаш;

2.3. Малака ошириш курсларини олиб боришга етук профессор-ўқитувчиларни, жумладан мутахассислик блоки бўйича модулларни ўқитишга ЎзДЖТУ да ташkil этилган тренерлик курсларини муваффақиятли тугатган ўқитувчиларни жалб этиш ҳамда уларнинг олиб борган ўқув машғулоти учун соатбай асосида ҳақ тўлаш;

2.4. Малака ошириш курсларини ташkil этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда қоплаш;

2.5. Малака ошириш курси ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирган ҳамда малакани ҳимоя қилиш иши ва чиқиш тест синовларини муваффақиятли топширган тингловчиларга давлат намунасидаги сертификатлар берилишини таъминлаш ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан курс якунида Бош илмий-методик Марказга маълумот тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

3. Бош илмий-методик марказ директори (У.Бегимкулов) ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (А.Исмаилов) га:

3.1. Олий таълим муассасаларидаги инглиз тили фани ўқитувчиларини малака ошириш курслари ўтказиладиган таълим муассасаларини ўқув-методик таъминотини амалга ошириш;

3.2. Малака ошириш курсларидаги ўқитиш сифати ва самарадорлигини назорат қилиш;

3.3. Дастурни тўлиқ ўзлаштирган тингловчиларга давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилишини назорат қилиш вазифалари юклатилсин.

4. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази директори (Б.Рахимов)га:

малака ошириш курслари ташкил этилган олий таълим муассасаларини уларнинг мурожаати асосида тингловчилар учун давлат намунасидаги сертификат билан таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Барча олий таълим муассасалари ректорларига:

малака ошириш курсларига жалб қилинган инглиз тили фани ўқитувчиларини 1-иловада белгиланган таълим муассасаларига ўз вақтида етиб келишларини таъминлаш ҳамда дарсларга тўлиқ иштирок этишларини шахсан назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

6. Чет тиллари йўналиши бўйича кадрлар тайёрланаётган олий таълим муассасалари ректорларига:

2012-2013 ўқув йилида чет тиллари йўналиши бўйича битирувчиларга 2013 йилнинг май-июнь ойларида “Чет тилларини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш” (CEFR) тизимининг мазмун моҳияти ва замонавий ўқитиш методикаси бўйича қисқа муддатли семинар-тренинглар ташкил этилсин;

семинар-тренинг дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

семинар-тренингларни ўтказишга “Чет тилларини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш” (CEFR) тизимининг мазмун моҳияти ва замонавий ўқитиш методикаси бўйича малака ошириш курсларидан ўтган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини жалб этилсин.


7. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Ф.Ризаев зиммасига юклатилсин.

Вазир



Б.Ходиев


Киритди:

 И.Маджидов


Келишилди:

Ф.Ризаев 

Ш.Қаюмов 

М.Иноят 

Р.Сулейманова 



Олий таълим муассасаларидаги инглиз тили фани ўқитувчилари учун ўтказилган олий таълим муассасалари курслари графиги

t/p		Таълим муассасалар номи	Инглиз тили фани ўқитувчилари сони		Тайёрланган тренер-ўқитувчилар сони	Мадака ошириш курслари ўтказилган таълим муассасалар номи	Мадака оширадиган ўқитувчилар сони	
t/p			асосий штатда	ўриндош			22 апрелдан	20 майдан
Қорақалпоғистон Республикаси								
1	1	Қорақалпоқ давлат университети	54	5	4	Қорақалпоқ давлат университети	60	60
2	2	Нукус давлат педагогика институти	39	4	3			
3	3	Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали	3	1				
4	4	Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали	4	1				
5	5	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали	0	1				
6	6	Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали	6	2				
Жами			106	14	7			
Андижон вилояти								
7	1	Андижон давлат университети	76	8	5	Андижон давлат университети	58	58
8	2	Андижон қишлоқ хўжалик институти	12	1				
9	3	Андижон машинасозлик институти	11	0				
10	4	Андижон давлат тиббиёт институти	8	0				
Жами			107	9	5			
Бухоро вилояти								
11	1	Бухоро давлат университети	50	6	3	Бухоро давлат университети	48	47
12	2	Бухоро давлат тиббиёт институти	7	1	1			
13	3	Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти	28	1	4			
14	4	Тошкент ирригация ва мелiorация институти Бухоро филиали	2	0				
Жами			87	8	8			
Жиззах вилояти								
15	1	Жиззах давлат педагогика институти	43	1	2	Жиззах давлат педагогика институти	26	28
16	2	Жиззах политехника институти	10	0				
Жами			53	1	2			

Қашқадарё вилояти									
17	1	Қарши давлат университети	47	0	4	Қарши давлат университети			
18	2	Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти	23	4					
19	3	Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали	4	0					
Жами			74	4	4				
Навоний вилояти									
20	1	Навоний давлат қончилик институти	10	0		Навоний давлат педагогика институти			
21	2	Навоний давлат педагогика институти	30	0	5				
Жами			40	0	5				
Наманган вилояти									
22	1	Наманган давлат университети	33	6	6	Наманган давлат университети			
23	2	Наманган муҳандислик-педагогика институти	15	0					
24	3	Наманган муҳандислик-технология институти	9	0					
Жами			57	6	6				
Самарқанд вилояти									
25	1	Самарқанд давлат университети	18	1	1	Самарқанд давлат чет тиллар институти			
26	2	Самарқанд давлат тиббиёт институти	8	0					
27	3	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти	10	1					
28	4	Самарқанд давлат чет тиллар институти	81	20	6				
29	5	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти	8	2					
30	6	Самарқанд қишлоқ хўжалик институти	12	0					
31	7	Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали	6	1					
Жами			143	25	7				
Сурхондарё вилояти									
32	1	Термиз давлат университети	37	1	5	Термиз давлат университети			
Жами			37	1	5				
Сирдарё вилояти									
33	1	Гулистон давлат университети	35	1	3	Гулистон давлат университети			
Жами			35	1	3				

Фарғона вилояти													
34	1	Фарғона давлат университети	34	4	6	Фарғона давлат университети	56	53					
35	2	Фарғона политехника институти	16	2									
36	3	Қўқон давлат педагогика институти	40	0									
37	4	Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали	6	2									
38	5	Тошкент тиббиёт академия Фарғона филиали	5	0									
Жами			101	8	6								
Хоразм вилояти													
39	1	Урганч давлат университети	35	2	6	Урганч давлат университети	23	20					
40	2	Тошкент тиббиёт академия Урганч филиали	3	1									
41	3	Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали	2	0									
Жами			40	3	6								
Тошкент шаҳри													
42	1	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	24	2		Тошкент давлат иқтисодиёт университети	75	64					
43	2	Қамолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти	6	3									
44	3	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти	6	0	1								
45	4	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	15	1	1								
46	5	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти	17	0	1								
47	6	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	36	0	1								
48	7	Тошкент давлат аграр университети	27	2	1								
Жами			131	8	5								
49	8	Тошкент ахборот технологиялари университети	36	4	1					Тошкент давлат педагогика университети	58	57	
50	9	Тошкент архитектура қурилиш институти	18	1	1								
51	10	Тошкент давлат педагогика университети	47	9	1								
Жами			101	14	3								

52	11	Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети	202	38	40	Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети	196	195
53	12	Тошкент давлат шарқшунослик институти	20	1	1			
54	13	Тошкент давлат юридик институти	15	0				
57	14	Тошкент ирригация ва мелiorация институти	15	1				
56	15	Тошкент ислом университети	8	1				
57	16	Тошкент кимё-технология институти	13	0				
58	17	Ўзбекистон давлат консерваторияси	4	0				
59	18	Тошкент фармацевтика институти	11	1				
60	19	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	12	0				
61	20	Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби	0	1				
62	21	Солиқ академияси	3	0				
63	22	Тошкент темир йўл муҳандислари институти	17	1				
64	23	Тошкент автомобиль ва йўллар институти	25	2				
		Жами	345	46	41			
65	24	Тошкент давлат техника университети	43	5	1	Ўзбекистон миллий университети	64	64
66	25	Тошкент молия институти	29	1				
67	26	Тошкент тиббиёт академияси	28	0	1			
68	27	Ўзбекистон миллий университети	21	1	3			
		Жами	121	7	5			
		Тошкент ш. жами	698	75	54			
		Республика бўйича жами	1578	155	118			



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2013 йил “2”
“Фев” даги 104 сонли буйруғига 2-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАЎОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Олий таълим муассасаларининг чет тиллари
йўналиши бўйича битирувчилар учун

**“ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ:
ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ ВА БАЎОЛАШ”**

мавзусида
семинар-тренинг дастури

Тошкент – 2013

Кириш

Мазкур дастур олий таълим муассасаларининг чет тиллари йўналиши бўйича битирувчиларникасбий тайёргарлик даражасини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ПҚ - 1875- сонли Қароридан келиб чиқадиган вазифалар билан таништириш, ҳамда чет тилларини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш (CEFR) нинг мазмун моҳиятини ёритиш, узлуксиз таълим тизимининг чет тиллари бўйича давлат таълим стандарти лойиҳаси, ўқув режа ва дастурлари тўғрисида маълумот бериш мақсадида ишлаб чиқилган.

Семинар-тренингни ўтказишнинг мақсади

Олий таълим муассасаларидаги чет тиллари йўналишлари бўйича битирувчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ПҚ - 1875- сонли Қароридан келиб чиқадиган вазифалар, узлуксиз таълим тизимининг чет тиллари бўйича давлат таълим стандарти лойиҳаси, ўқув режа ва дастурлар, чет тилларини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш (CEFR) тизимининг мазмун моҳияти билан таништиришдан иборат.

Семинар-тренинг 6 соатга мўлжалланган бўлиб, унинг мазмунида:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875 сонли қарори моҳияти ҳамда чет тилларни ўрганишга қўйилаётган замонавий талаблар;

- чет тилларини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш (CEFR) тизимининг мазмун моҳияти;

- чет тилларни билишнинг А (A1, A2), В (B1, B2), С (C1, C2) даражалари мазмуни ва таркиби;

- узлуксиз таълим тизимининг чет тиллари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режа ва дастурлари;

- чет тилларни ўқитиш жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш масалалари ўз аксини топган.

Семинар-тренинг мавзулари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ - 1875- сонли Қароридан келиб чиқадиган вазифалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 1875- сонли Қароридан келиб чиқадиган вазифалар ва уларнинг ижросини таъминлашнинг стратегик чора-тадбирлари ҳамда бу жараёнда хорижий тил ўқитувчиларига қўйиладиган малакавий талаблар.

2. Чет тилларини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш (CEFR).

Халқаро эътироф этилган стандартларнинг талабларига мувофиқ чет тилларни билишнинг моҳияти. Умумевропа стандартларида келтирилган тил кўникмалари ва тил кўникмаларини эгаллаш даражаларининг (А (А1, А2), В (В1, В2), С (С1, С2)) тавсифи. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар.

3. Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллари бўйича давлат таълим стандарти лойиҳаси. Ўқув режа ва дастурлар лойиҳаси.

Чет тили фани бўйича ўқитиш концепциялари. Янги яратилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари тўғрисида. Умумтаълим мактабларининг 1-9 синфлари учун чет тиллари бўйича мультимедиа дарсликлари, бошланғич синфларда инглиз тилини ўрганиш бўйича янги дарсликлар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари учун яратилаётган электрон ресурслар билан ишлаш. Тил ўрганувчи билими ва кўникмаларини баҳолашнинг янги яратилаётган механизми.

Олий таълим бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари чет тиллари фанлари ўқув дастурлари мазмуни.

Семинар-тренинг якунида битирувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар:

Семинар-тренинг якунида қатнашчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари назарда тутилади:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ПҚ - 1875- сонли Қарорининг мазмун моҳияти ва Қарорнинг ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида билимларга эга бўлиш.
- Чет тилларни ўрганиш бўйича янги таълим стандартлари, дастурлари, ўқув режаларини ўзлаштириш бўйича кўникмаларини ривожлантириш.
- Чет тилларини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш (CEFR) тизимининг мазмун моҳияти тўғрисида тушунчаларга эга бўлиш.
- Чет тилларини эгаллаш даражаларини белгилаш малакаларини шакллантириш.

Семинар-тренингни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Семинар-тренингни ташкил этишда дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнларининг электрон версиялари, электрон плакатлар, слайдлар ва бошқа электрон таълим ресурсларидан фойдаланилади. Машғулотлар илғор тажрибалар ва инновацион ўқитиш технологияларидан фойдаланилган ҳолда тренинг ва кичик гуруҳлардаги иш шаклида олиб борилади.

Семинар-тренингнинг дидактик таъминоти:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875 сонли қарори.
2. TTT – Training the Teacher Trainees.
3. DUET- Development of Uzbekistan English Teachers.
4. ETTE – English for Teaching, Teachers for English.
5. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа тизими ва унинг даражалари (CEFR).
6. Интернет манбалари, аудио-видео роликлар ва тарқатмалар.
7. Глоссарий.